

Б  
С  
У  
Н  
А:  
Г  
И



**«ТАҚДИР ҲАҚИДА»  
НАМОЙИШИ**  
ёхуд ҳуқуқий  
тарғиботнинг янги  
усули ҳақида



**ҚОБИЛИЯТ ВА  
ИҚТИДОР КЎРИГИ**  
юртимиз бўйлаб ўтказилаётган  
«Биз — бир жамоамиз»  
акциясида яна бир бор  
намоён бўлмоқда



**ҚОСИМОВ КЕТДИ,  
АБРАМОВ КЕЛДИ**  
Ўзбекистон Футбол Федерацияси йи-  
гилиши қарорига кўра яқин мезоннинг  
афсонавий футболчиси Миржалол Қоси-  
мов ўз вазифасидан озод этилди. Энди  
миллий терма жамоамизга Тошкентнинг  
«Локомотив» жамоасини бошқариб кела-  
ётган Вадим Абрамов бош мураббийлик  
қилади.

# ADOLAT

Inson manfaatlarini — oliy qadriyat

№ 16  
(771)  
2010 йил,  
9 апрель,  
жума

O'zbekiston  
«ADOLAT»  
SOTSIAL-DEMOKRATIK  
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

adolat\_sdp@doda.uz

## Бошланғич партия ташкилотларида

Ғусс — Ургут туманининг чекка қишлоқларидан бири. Бу ерда 20 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ясси тоғ этагидаги бу манзилгоҳнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, қишлоқда гўшт ва бошқа зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари шаҳар марказидан анча арзон. Чунки аҳоли бу маҳсулотларни ўзи муҳайё этишга одатланган. Янги қурилган бозор, савдо дўконлари, этикдўзлик, электр жиҳозларини таъмирлаш устaxonалари, автомобилларга ёнилғи қуйиш ва техник хизмат кўрсатиш шохобчалари ана шундай бекаму кўст яшаш-га интилиш самараси.

## ҒУССДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ

партиявий ваколат доирасида фуқароларнинг ариза ва муурожаатларини жойида ўрганишга, ҳал этишга кўмаклашмоқда

Ўз фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини англаб яшашга иштиёқи кучли бўлган ғўссликлар қачон, қимдан кўмак олиш мумкинлигини ҳам яхши билишади. Мана бир неча йилдирки, қишлоқнинг «Уртагузар» маҳалласида «Адолат» социал-демократик партиясининг бошланғич ташкилоти ва жамоатчилик қабулхонаси самарали фаолият юритиб келмоқда. Маҳалла оқсоқо-  
ли ва, аини чоғда бошлан-  
ғич партия ташкилоти коти-  
би Ғаффор Раҳмоновнинг  
таъкидлашича, ўтган вақт  
мобайнида қишлоқдошлар-  
нинг ижтимоий-маиший ша-  
роитларини яхшилашга  
доир ўнлаб муурожаатлари  
ижобий ҳал этилган.  
— Ҳозирги кунда Ургут —  
Ғусс автомобиль йўлининг  
транспорт қатнови учун  
яроқсиз бўлиб қолган сал-  
кам 2 километрлик қисми-

(Давоми 2-бетда.)


## Саховат

### МЕҲР-МУРУВВАТ ХИСЛАТИМИЗ

Ижтимоий ҳимоя тамойилини амал-  
га ошириш Ўзбекистон «Адолат»  
СДПнинг асосий мақсадларидан бири  
саналади. Бу борада партиянинг бар-  
ча бўғинларида эътиборга молик иш-  
лар амалга ошириляптики, бу ҳам  
омма орасига кенгрок кириб боришга,  
ҳам партия мақсад ва гоёларини ҳаёт-  
га кенг тадбиқ этишга ҳисса бўлиб  
қўшилади. Буни Тошкент вилояти  
партия Кенгаши фаолияти мисолида  
ҳам кўриш мумкин.  
Вилоят партия Кенгашининг бевоси-  
та ташаббуси билан жойларда қатор

(Давоми 2-бетда.)

## Ислоҳот ва самара



### АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БАЛИҚЧИ ТУМАНИДА АҲОЛИГА СИФАТЛИ ВА УЗЛУКСИЗ ЭЛЕКТР ЭНЕР- ГИЯСИНИ ЕТКАЗИБ БЕ- РИШ БОРАСИДА АНИҚ ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Туманда 13 та трансформатор  
таъмирдан чиқарилиб, 18,7 кило-  
метрдан ортиқ ҳаво тармоқлари  
таъмирланди. 40та трансформатор  
эса жорий таъмирдан чиқарилди.  
Қишлоқ ҳудудларида ҳам электр-  
энергия таъминотини яхшилаш  
мақсадида Гуравон ҳаво тармоғи-  
нинг симлари янгиларига алмаш-  
тирилди. Эшонқишлоқ, Полвокул,  
Шераличек, Шамшикул маҳалла  
фуқаролар йиғинида жойлашган  
трансформаторлар ўрнига юқори  
қувватлилари ўрнатилди.  
**Суратда:** электр тармоқлари корхонаси Балиқчи ним станция  
навбатчилари Муҳаммадҷон Султонов, Тоҷимурод Маматқулов ва  
Фарҳод Нозимов.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.

## Муносабат

# ТАБИАТГА ОЗОР — ИНСОНИЯТГА ОЗОР

ёхуд Тожикистон алюминий заводи туфайли Марказий Осиёда  
вужудга келаётган янги офат ўчоғига чек қўйиш зарур

Юртимизнинг фусункор  
табиати, экологик ҳолати  
не-не сайёҳлару хоржий  
меҳмонларни мафтун этма-  
ган, лол қолдирмаган, дей-  
сиз. Қаерда бўлмайлик,  
кўларимизни яшатиб тур-  
ган дилбар табиатнинг бе-  
такрор манзараларидан  
баҳра олиб, яйраймиз.  
Уларнинг не-не асрлардан  
бўён асраб авайланиб, биз-  
гача етиб келганлиги  
кўнгилларимизни тоғдек  
юксалтиради. Келажак ав-  
лодга ҳам табиат инъом эт-  
ган шундай бебаҳо бойлик-  
ларимизни етказиш истаги  
қалбларимизда жўш уради.  
Оллоҳ назари тушган  
шундай азиз ва бетакрор  
юртда яшайётганимиздан  
ҳамиша фахрланамиз, унга  
муносиб фарзанд бўлиш,  
юртимизнинг гўзал табиати-  
ю бебаҳо бойликларини  
авайлаб асраш ҳисси  
кўнгилларимизда алангала-  
нади. Аммо теварак атро-  
фимиздагиларнинг бундай  
хур-фаровон ҳаёт, гўзал  
неъматга кўр-кўрона муно-  
сабатда бўлиб, зийн-захмат  
етказаётганлиги таажубла-  
нарлидир.



Гап нима ҳақида кетаёт-  
ганлигини бир зумда илғаб  
олган бўлсангиз керак. То-  
жикистоннинг Турсунзода  
шаҳридаги алюминий заво-  
ди бугун минтақамиз таби-  
ати ва аҳолиси ҳаётига кат-  
та зарар етказмоқда.  
Партияимизнинг вилоят Кен-  
гашига бирлашган барча  
аъзолари, фаолларимиз бил-  
лан биргаликда қўшни дав-  
лат пуч сийёсатининг нохуш  
оқибати туфайли юзага ке-  
лаётган таҳлика ва хавф-ха-

вилоятининг барча ўқув юр-  
тларида таълим олаётган та-  
лаба-ёшлар, кенг жамоатчи-  
лик вакиллари иштирокида  
ўтказилаётган акцияни  
қўллаб-қувватлаймиз.  
Зеро, «Тожикистон алю-  
миний компанияси» давлат  
унитар корхонаси фаолият-  
нинг атроф-муҳит ва ин-  
сон саломатлигига салбий  
таъсири ортиб бораётганини  
асло кечириб бўлмайди.  
35 йилдан бери мусавфо  
хавога чиқарилаётган захар-  
ли газлар табиат ва инсон  
соғлиғига жиддий путур ет-  
казмоқда. Чунончи, Узун ту-  
манидаги аксарият ёш она-  
ларнинг боласи нобуд бўлиб  
ёки ногирон туғилиб, туғруқ-  
хонани аламли кўз ёшлари  
билан тарқ этаётганлигида  
ҳам мазкур корхонанинг  
айби бор. Шунинг учун бун-  
дай фожиани келтириб чи-  
қаришга асосий сабабчи  
бўлган ноинсоний ҳаракат-  
ларга зудлик билан чек  
қўйиш керак.  
Маълумки, 1994 йилнинг  
17 ноябрида Ўзбекистон ва  
Тожикистон Республикала-  
ри ҳукуматлари ўртасида  
мазкур завод фаолияти

таъсир кўрсатадиган худуд-  
ларда экологик вазиятни  
юмшатиш бўйича ўзаро  
ҳамкорлик туғрисида кели-  
шув имзоланган эди. Аф-  
суски, бу келишувнинг То-  
жикистон томонга тегишли  
бандлари ҳозирги кунгача  
бажарилмади. Оқибатда  
нафақат мамлакатимизнинг  
жанубий худудларида, балки  
қўшни давлатнинг Тур-  
сунзода шаҳри ва тумани-  
да истиқомат қилаётган  
тинч аҳолининг ўзи ҳам  
корхонанинг зарарли таъ-  
сиридан кўп азият че-  
кмоқда. Масалан, Душанбе  
шаҳридаги онкологик дис-  
пансерда даволанаётган  
беморларнинг аксарияти  
турсунзодаликлар ва улар-  
нинг кўпчилиги саратон ка-  
саллигига чалинган. Ишлаб  
чиқариш қуввати оширили-  
ши мўлжалланаётган Тур-  
сунзода шаҳридаги алю-  
миний заводи мўриларидан  
кўтарилаётган «захри  
котил» оқибатида вужудга  
келган ва эндиликда бу  
ерда яшовчи аҳолининг  
сабр қосасини тўлдирган  
шундай нохуш ва оғир  
аҳволга бошқа чидаб

бўлмайди. Корхонанинг зар-  
арли таъсири нафақат  
катталарни, ҳатто мурғак  
гўдақларнинг ҳам ҳаётига  
зоим бўлмоқда. Негаки,  
худудда нимжон, ногирон  
чақалоқлар туғилаёттир.  
Шифокорлар кўрсатаётган  
кўлсиз, оёқсиз дунёга  
келаётган чақалоқларнинг  
суратлари бугун ҳар қан-  
дай одамни изтиробга со-  
лади. Худудда шундай ўта  
аянчли экологик вазият  
вужудга келган. Халқро таш-  
килотлар, жаҳон ҳамжами-  
яти бирлашиб, Орол фожи-  
аси туфайли экологик танг  
ҳолатда турган Марказий  
Осиёда Тожикистон алюми-  
ний заводи туфайли вужуд-  
га келаётган янги офат ўчо-  
ғига қарши курашиб, уни  
тамоман бартараф этиши  
зарур.  
Халқимизда: «Етти ўлчаб,  
бир кес», деган нақл бор.  
Бир иш қилишдан олдин  
унинг оқибатини ўйлаб  
қўриш керак эмасми? Шу  
босис, Сурхондарё вилояти-  
нинг Сариеосиё, Узун, Денов  
ва бошқа туманлари аҳоли-  
си БМТ Бош Ассамблеяси,  
ЮНЕП, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО,  
Жаҳон Соғлиқни сақлаш  
ташкilotига муурожаат қабул  
қилиши. Биз — Ўзбекистон  
«Адолат» СДП аъзолари юр-  
тдошларимизнинг бу хайрли  
ташаббусини қўллаб-қувват-  
лаймиз. Юртимиз доимо  
тинч бўлсин, гўзал табиати-  
мизга ҳеч қачон кўз тегма-  
син.  
**Раъмул ЧОРШАНБИЕВ,  
Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Сурхондарё вилояти  
Кенгаши раиси.**

## Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар ва-  
зирлиги Қирғизистонда юз бераётган воқеа-  
лар — бу, биринчи навбатда, Қирғизистон Рес-  
публикасининг ички ишидир, деб баёнот бера-  
ди.  
Ўзбекистон Қирғизистон халқи билан кўп аср-  
лик, тарих ва вақт синовидан ўтган дўстлик ва  
ҳамкорлик ришталари билан боғланган яқин  
мамлакат сифатида қўшни Қирғизистонда тинч-  
лик ва барқарорлик таъминланишидан, муро-  
са қарор топишидан, юзага келаётган барча муам-  
мо ва қарама-қаршилиқлар тинч йўл билан ҳал  
этилишидан манфаатдор.  
Одамлар қурбон бўлиши ва талофатларга  
олиб келган қарама-қаршилиқ, Қирғизистон-  
даги вазиятнинг янада беқарорлашиши мам-  
лакатда ижтимоий-иқтисодий вазият янада  
оғирлашишига сабаб бўлиши, давлат ва унинг  
жойлардаги тузилмалари бошқарувини мурак-  
каблаштириши, қўшни давлатлар билан чега-  
раларда муаммолар юзага келтириши мумкин.  
Ўзбекистон томони мазкур воқеалар мамла-  
катимизнинг Қирғизистонга қўшни туманлари-  
га салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш  
мақсадида Ўзбекистон Республикаси билан  
Қирғизистон Республикаси ўртасидаги чега-  
рани қўриқлаш тартибини қунайтириш бўйича  
муваққат чоралар қўришига тўғри келади.  
Ўзбекистон қирғиз халқининг оқилона иш ту-  
тишига, мамлакатда тинчлик ва ижтимоий бар-  
қарорлиқни тиклаш учун бор қуч-ғайратини са-  
фарбар эта олишига ишонади.

Семинар-кенгаш

«АДОЛАТ» СДП: ЖАДАЛ ИСЛОХОТЛАР БОСҚИЧИДА

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши Ижрора Қўмитаси йиғилишида партиянинг куйи ташкилотлари фаолиятини кучайтириш масаласи жиддий муҳокама қилиниб, улар фаоллигини ошириш юзасидан жойларда «Ўзбекистон «Адолат» СДП: жадал ислохотлар босқичида» мавзуда минтақавий семинар-кенгашлар ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

этяпти. Натижада партиямиз мақсад ва ғояларини қўллаб-қувватловчилар сони кундан кунга ошиб борапти. Буни жамоатчилик фикрини ўрганиш институтлари томонидан ўтказилган сўровлар натижалари ҳам тасдиқлайди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, шахар партия ташкилотлари ва унинг туман Кенгаши фаолиятини мундоқлаштириш, шу асосда партия тузилмалари фаоллигини кучайтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилганини тасдиқлади.

Тўғри, шахар Кенгашида бошланғич ташкилотлар ҳозирча камчиликини ташкил этади. Улар сонини кўпайтириш, фаоллигини янада ошириш мақсадида изчил иш олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш, кўппартиявийлик тизимини янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинган «Давлат бошқаруви» йиғилиши ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишга сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги Қонун сиёсий партиялар, шу жумладан, «Адолат» СДПнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга ҳизмат қилди.

Семинарда фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи қатор тақдирлар берилди. Таъкидландики, жойларда маҳалла Кенгашларида депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлан-тириш масалаларини атрофлича кўриб чиқишимиз лозим.

Семинарда фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи қатор тақдирлар берилди. Таъкидландики, жойларда маҳалла Кенгашларида депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлан-тириш масалаларини атрофлича кўриб чиқишимиз лозим.

Хўш, бугунги кунда шахар Кенгаши олдидан қандай долзарб вазифалар турибди? Бу борада тадбир иштирокчилари ўзаро қизгин фикр алмашишди.

«Адолат» СДП тадбири



Жамиятимизда аёлларимиз нафақат она, турмуш ўртоғига сеvimли рафиқа, балки ўз куч салоҳияти ила мамлакатимиз тараққиқтига муносиб ҳисса қўшаётган фидойи зотлардир. Шу боис мустақилликка эришган кунларимизда ноқ аёлларимиз фаоллигига алоҳида эътибор қаратилди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР — ЖАМИЯТИМИЗ ТАЯНЧИ

Тошкент Давлат юридик институтида «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш — давр талаби» мавзусида бўлиб ўтган давра сўхбатига ҳам аёллар, уларга яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар ҳақида гап борди.

Тошкент Давлат юридик институтида «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш — давр талаби» мавзусида бўлиб ўтган давра сўхбатига ҳам аёллар, уларга яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар ҳақида гап борди.

Тошкент Давлат юридик институтида «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш — давр талаби» мавзусида бўлиб ўтган давра сўхбатига ҳам аёллар, уларга яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар ҳақида гап борди.

Тадбирни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Исмомил Саифназаров очди. У алоҳида таъкидлаганидек, мамлакатимизда, хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлиқ намоён қилишлари учун ижтимоий-маънавий муҳит етарли равишда яратилмоқда.

Тадбирни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Исмомил Саифназаров очди. У алоҳида таъкидлаганидек, мамлакатимизда, хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлиқ намоён қилишлари учун ижтимоий-маънавий муҳит етарли равишда яратилмоқда.

Тадбирни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Исмомил Саифназаров очди. У алоҳида таъкидлаганидек, мамлакатимизда, хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлиқ намоён қилишлари учун ижтимоий-маънавий муҳит етарли равишда яратилмоқда.

Партия ташаббуси билан

Тошкент Давлат иқтисодий университетининг маданият саройида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ташаббуси билан Республика Олий суди, «Қамолот» ЕИҲ фаоллари ҳамда «Мамирифат» студияси ҳамкорлигида «Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш — устувор вазифа» деб номланган давра сўхбати бўлиб ўтди.

«ТАҚДИР ҲИЙИНИ» НАМОЙИШИ

Ўхшаш керакки, «Баркамол авлод йили»га бағишланган мазкур давра сўхбати қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Келажагимиз воялари — ёшларимиз ўзлари қизиққан масалалар бўйича очиқ мулоқотга киришди.

ҒЎССДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ

партиявий ваколат доирасида фуқароларнинг ариза ва муурожаатларини жойида ўрганишга, ҳал этишга кўмаклашмоқда

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)



Таъмирлаш сифати алоҳида назоратга олинган. Чунки бу йил чекка тоғ қишлоғини шахар маркази билан боғлаб турадиган ягона иншоот. Дарвоқе, «Уртагузар» маҳалла бошланғич партия ташкилотининг 20 нафар аъзоси бурчга ана шундай масъулият билан ёндашадиган ҳозиржавоб, куюнчак кишилар. Улар оддий ўқувчи, фермер, тадбиркор. Мамлакатимиздаги янгиланиш жараёнларининг моҳиятини чуқур тушуниб етган ва бу жараёнларда ўзини сафарбар деб ҳис эта олган партиядошларимиз.

на ишлаяпти, десак ажабланманг. Уларнинг айримлари ички бозорни таъминлабгина қолмай, ўз маҳсулотларини экспорт қилиш билан ҳам шугуullanмоқда.

лик субъектлари фойда ҳисобига ишлаяпти. Бу, ўз навбатида, ижтимоий инфратузилманинг ривожланишига, янги иш ўринларининг яратилишига ва партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришга хизмат қиломоқда.

ди. Халқ депутатлари туман ва вилоят Кенгашларига сайланган олти нафар депутат «Адолат» СДПнинг ижро ҳокимиятидаги вакиллари сифатида бу каби ижтимоий-иқтисодий масалаларни муваффақиятли ҳал этишга астойдил ҳаракат қилиб келмоқда.

Суратларда: «Уртагузар» маҳалласи бошланғич партия ташкилоти етакчиси Гаффор Раҳмонов йўлсозлар даврасида; туман партия Кенгаши раиси Раббим Эсонов ва партия фаоли Юлдуз Ўсаровани доимо одамлар орасида учратасиз.

МЕҲР-МУРУВВАТ ХИСЛАТИМИЗ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Утган йили Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан вилоят партия Кенгаши ташаббуси билан вилоят «Маҳалла» хайри жағмараси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамкорлигида «Истиклол ва қишлоқ истиқбол» кўриктанлови эълон қилинган эди.

Яқинда танлов ғолиблари аниқланди. Унга кўра Янгийўл туманидаги Ниёзбоши, Тошкент туманидаги Гулистон, Охангарон туманидаги Бойқозон қишлоқлари турли номинациялар бўйича ғолиб деб топилди, диплом ва қўмнатбахо совғаларга эга бўлишди.

сида тумандаги 124-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 10 нафар тарбияланувчисининг хатна тўйларни ўтказилди. Кечада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари қаторида кенг жамоатчилик иштирок этди.

Асал етиштиришнинг замонавий технологияларини жорий этиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Навоий вилояти асаларичилар ассоциацияси раиси Улуғбек Муродов. — Шу мақсадда Ўзбекистон чорвачилик илмий

Навоий вилоятида қишлоқ ҳўжалигининг муҳим тармоқларидан бири — асаларичиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

АСАЛАРИЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

2008 йили вилоятда 183 шахсий ёрдамчи ҳўжалик томонидан 197,4 тонна асал етиштирилган бўлса, ўтган йили мазкур ҳўжаликлар сони яна 32 га кўпайиб, 235,7 тонна асал олинди.



